



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 12 » iyun

№ 362

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни таъминлаш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **1-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари **2-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “ 12 ” июндаги 362 -сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг кўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимлари лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорларининг 4-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларида хорижий тиллар бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркибига (чет тиллари, хорижий филология, чет тили ва таржима йўналишларининг касбий ва махсус фанлари ўқитувчилари бундан мустасно), шу жумладан, меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув машғулотларини ўтказадиган профессор-ўқитувчилар таркибига чет тилида айрим махсус ўқув фанларини ўқитганлик учун фанни ўқитиш курсининг давомийлигига ва чет тилини ўқитиш касб маҳоратига қараб, бюджет маблағлари ҳисобидан уларнинг лавозим маошларига базавий лавозим маошининг (меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорининг) 25 фоизидан 100 фоизигача бўлган миқдорда ойлик устамалар белгиланади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибида:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмаларида ёки халқаро мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортларидаги бўлинмаларида визаларни расмийлаштириш учун таклиф этувчи ташкилотнинг аризасига кўра бериладиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг рухсатномаси асос бўлади”;

ўнинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 10-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур Тартибнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларга ҳам халқаро мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортларида визалар узайтирилади. Бунда ушбу консуллик ҳаракати чет эл фуқароси фақат кейинги рейсга жўнаб кетиш учун берилган авиачиптага эга бўлган тақдирдагина рухсат этилади. Агар кейинги рейсда жой бўлмаса, тасдиқловчи ҳужжатлар (авиачипта ёки жўнаш санаси кўрсатилган авиакомпаниянинг хати) тақдим этилганда узайтирилишига рухсат берилади”;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Виза бериш ҳужжатларини кўриб чиқиш ва чет эл фуқаросига келиш визасини расмийлаштириш муддати 10 суткадан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг чет эл фуқаросини таклиф қилган аризаси 2 иш кунидан, “IT-visa” берилганда эса 3 суткадан ошмаслиги керак”;

в) қуйидаги мазмундаги 10¹ ва 10²-бандлар билан тўлдирилсин:

“10¹. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг ёки хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик, савдо ваколатхоналари, халқаро ташкилотларнинг ёзма сўровига кўра, Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмаларида ёки халқаро мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортларидаги бўлинмаларида чет эл фуқароларига кириш визаларини бериш учун виза таъминоти бўйича ёрдам кўрсатади.

10². Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддат тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларига ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлинмаларига ёхуд халқаро мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортларидаги бўлинмаларига тегишли кўрсатмалар юборади, улар асосида чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикасига кириш учун виза берилади.

Виза таъминоти бўйича ёрдам кўрсатиш муддати – 3 ой”;

г) қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

“11¹. Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ёки унинг ҳудуди орқали транзит ўтишга виза олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига Ўзбекистонга келиши кутилаётган санадан камида 7 кун олдин мурожаат қилишлари лозим”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарорида:

а) 1-илованинг “Изоҳлар” қисми қуйидаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

“3. Доцент лавозимига бир муддатга қабул қилинган профессор-ўқитувчиларга мос равишда ушбу илованинг “3. Доцент” бўлимида назарда тутилган базавий лавозим маошлари белгиланади”;

б) 4-иловада:

11-банддаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг педагог ва раҳбар ходимларнинг” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг олий таълим муассасалари ходимларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

16¹-банднинг иккинчи хатбошиси ва 17-банднинг олтинчи хатбошисидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Олий таълим муассасаларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш

РАЗРЯДЛАРИ

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
1.	Ўқув-услубий бошқарма, Ишлар бошқармаси, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими (сектор), Магистратура бўлими, Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Регистратор офиси бошлиқлари	*
2.	Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи ўринбосари – Ўқув-методик таъминот бўлими бошлиғи	**
3.	“Маънавият ва маърифат” ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи	16
4.	Талабалар амалиёти бўлими бошлиғи: талабалар сони 2 000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда; талабалар сони 2 000 нафардан кам бўлганда	15 14
5.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, назорат ва мониторинг бўлими (сектор мудир), Халқаро бўлим бошлиқлари: талабалар сони 2 000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда; талабалар сони 2 000 нафардан кам бўлганда	13 12
6.	Бош муҳандис, бош бухгалтер, Режа-молия бўлими (сектор) бошлиғи: талабалар сони 2 000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда; талабалар сони 2 000 нафардан кам бўлганда	15 14
7.	Бош энергетик, бош бухгалтер ўринбосари (аудитор), Ходимлар бўлими, Ўқитишнинг техник воситалари бўлими,	13 12

	Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиқлари: талабалар сони 2 000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда; талабалар сони 2 000 нафардан кам бўлганда	
8.	Таҳририй-нашриёт бўлими, Иккинчи бўлим, Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими ва бошқа бўлимлар бошлиқлари, Матбуот котиби	12
9.	Ректор ёрдамчиси	8
10.	Девонхона ва архив мудирлари, услубчи, тармоқ ва тизим администратори, телефон станцияси бошлиғи, Диспетчер-гараж мудир	7
11.	Иқтисодчи, бухгалтер: тоифасиз; 2-тоифа; 1-тоифа	6 7 8
12.	Муҳандис: тоифасиз; 2-тоифа; 1-тоифа	4 5 6
13.	Техник: тоифасиз; 2-тоифа; 1-тоифа	3 4 5
14.	Лаборатория, спорт иншооти, виварий, ўқув полигони, санъат саройи мудирлари, криоген станция бошлиғи	7
15.	Талабалар турар жойи, компьютер зали мудирлари, муҳаррир, фонд сақловчи	6
16.	Инспектор, диспетчер, техник муҳаррир, кабинет мудир	5
17.	Хўжалик, омбор мудирлари, бино коменданти, лаборант, ғазначи, ёнгин хавфсизлиги бўйича инструктор, мусахҳих, музей кузатувчиси	4
18.	Ахборот технологиялари маркази бўлими бошлиқлари: талабалар сони 2 000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда; талабалар сони 2 000 нафардан кам бўлганда	9 8
19.	Ахборот-ресурс маркази директори (мудир), Ахборот технологиялари маркази директори: талабалар сони 2 000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда; талабалар сони 2 000 нафардан кам бўлганда	12 11
20.	Ахборот-ресурс маркази директори ўринбосари (мудир ўринбосари): талабалар сони 2 000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда; талабалар сони 2 000 нафардан кам бўлганда	11 10

21.	Ахборот-ресурс маркази бўлимлари мудирлари: талабалар сони 2 000 нафар ва ундан ортиқ бўлганда; талабалар сони 2 000 нафардан кам бўлганда	10 9
22.	Библиограф, кутубхоначи: тоифасиз; 2-тоифа; 1-тоифа	5 6 7
23.	Бош кутубхоначи, етакчи мутахассис	9
24.	“Маънавият ва маърифат” ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими услубчиси	14
25.	Психолог	15
26.	Талабалар турар жойи тарбиячи-педагоги	14
27.	Бош мутахассис	10
28.	Хизмат кўрсатиш бўлими (Front Office) бошлиғи, Маълумотлар базаси бўлими (Back Office) бошлиғи	***
29.	Хизмат кўрсатиш бўлими (Front Office) менежери, Маълумотлар базаси бўлими (Back Office) менежери, тьютор, сурдотаржимон	****

**) мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани базавий лавозим маошига тенглаштирилади;*

***) мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани ўринбосари базавий лавозим маошига тенглаштирилади;*

****) мос равишда олий таълим муассасасининг катта ўқитувчиси базавий лавозим маошига тенглаштирилади;*

*****) мос равишда олий таълим муассасасининг ўқитувчи-стажёри базавий лавозим маошига тенглаштирилади”.*

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг хизмат гувоҳномаси тўғрисидаги намунавий низомнинг 22-банди иккинчи хатбошиси “Қонунчилик палатаси,” сўзларидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси,” сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 октябрдаги 301-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 17-банддаги “умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан” сўзлари “қонунчиликда белгиланган тартибда” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 18-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Курилиш учун вақтинча фойдаланилмаётган ерларда енгил турдаги объектлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама конструкциялари ва шу кабилар) куриш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда берилиши мумкин, қишлоқ

хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудларида жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларида эса — қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари розилиги билан берилади”;

в) 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Умумий фойдаланиш ерларидаги йўллар ва ариқлар тармоғидан ташқари ер участкалари енгил турдаги объектлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама конструкциялари ва шу кабилар) учун, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудларида жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларида эса — қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари розилиги билан юридик шахсларга ва фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда берилиши мумкин”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сон қарори билан тасдиқланган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомнинг 57-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“57. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг директори ва директор ўринбосарларига 27 календарь кундан ҳамда ўқитувчи, концертмейстерларга 56 календарь кундан иборат йиллик узайтирилган меҳнат таътили берилади”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-банди ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“муассис ҳисобланган юридик шахснинг тугатилганлиги ёки жисмоний шахснинг вафот этганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно”.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги низомда:

а) 52-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Олий таълимдан кейинги таълим институтлари мавжуд бўлган илмий ва таълим ташкилотлари ҳар йили 2 марта (июнь ва декабрь ойларида) изланувчилар фаолиятини ички мониторинг қилади. Ички мониторинг мазкур Низомнинг 53–55-бандларига мувофиқ ўтказилади”;

б) 55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“55. Мониторинг натижалари Коллегиал орган томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Қуйидаги асосларга кўра докторантлар таянч докторантура ёки докторантурадан четлатилиши мумкин:

ўз аризасига мувофиқ;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

якка тартибдаги режаларини бажармаганда;

илмий ёки таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидаларини тизимли (уч ёки ундан ортиқ) равишда бузганда;

суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинганда;

ҳисоботларни белгиланган муддатда тақдим этмаганда;

диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш талабини бузганда.

Якка тартибдаги режаларини бажармаган докторантлар Коллегиал орган қарори билан таянч докторантура ёки докторантурадан четлатилади ва ўқишга қайта тикланмайди.

Докторантурадан мониторинг натижалари бўйича четлатилган ёки диссертациясини муддатида ҳимоя қилмаган шахслар диссертациясини тугатиш ва ҳимоя қилиш даврида мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилиши мумкин. Илмий ёки таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидаларини бузгани учун ўқишдан четлатилган шахслар ўқишга қайта тикланмайди.

Якка тартибдаги режаларини бажармаган докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ва консультантларига Коллегиал орган қарори билан раҳбарлик ва маслаҳат учун тўланадиган ҳақ тўхтатилади. Бунда докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг раҳбарлари ҳамда консультантлари бир йил муддатга илмий раҳбарлик қилишдан четлаштирилади”;

в) 57-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Мониторинг натижаларига кўра тегишли ихтисослик бўйича диссертацияларни белгиланган муддатларда ҳимоя қилмаган изланувчилар (кетма-кет уч нафар ва ундан ортиқ) аниқланган тақдирда, ушбу ихтисослик бўйича олий таълимдан кейинги таълим институтининг фаолияти Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг қарорига мувофиқ ҳар йили март ойида тўхтатилади.

Бунда олий таълимдан кейинги таълим институтининг фаолияти уч йил ўтгандан сўнг мазкур Низомнинг 2-бобига мувофиқ қайта тикланиши мумкин”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи – ўн саккизинчи хатбошилар тегишлича ўн тўртинчи – ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 734-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар тўғрисидаги низомнинг 2-банди ва 9-банди “а” кичик бандининг иккинчи хатбошисидаги “судьясининг” сўзи “тергов судьясининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар учун фитосанитария сертификатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банд куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Дала четлари, каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлар (кейинги ўринларда – дала четлари) ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларидан самарали фойдаланган, шу жумладан, дала четларига ҳар йили 1 апрелга қадар экин эккан ва йил давомида маҳсулот етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларидан ушбу Низомга 2-иловадаги Фитосанитария сертификати паспортининг 7-бандида белгиланган ички фитосанитария сертификати берилганлиги учун йиғим бир йил давомида ундирилмайди.

Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари томонидан электрон ариза билан мурожаат қилинади. Ариза ушбу Низомга 2¹-иловага мувофиқ схема бўйича кўриб чиқилади”;

б) куйидаги мазмундаги 2¹-илова билан тўлдирилсин:

“Ўсимликлар карантини остидаги маҳсулотлар
учун фитосанитария сертификатларини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2¹-илова

**Дала четлари ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли
уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларидан самарали фойдаланган
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ички
фитосанитария сертификатини бир йил давомида бепул бериш
тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Дала четлари ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларидан самарали фойдаланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи (ариза берувчи)	www.karantin.uz электрон платформасидаги шахсий кабинети орқали ариза тақдим этади.	Заруратга кўра
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари	1. Аризани кўриб чиқади. 2. www.karantin.uz электрон платформасида автоматик тарзда (онлайн) ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг хулосасига кўра ички фитосанитария сертификатини бир йил давомида бепул расмийлаштириш ёки расмийлаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ариза берувчининг шахсий кабинетига юборилади.	5 иш кунда

”

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 июлдаги 535-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг биринчи хатбошиси ва 5-банддаги “судьясининг” сўзи “тергов судьясининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг “1-босқич” позицияси “Субъектлар” устунидаги “Туман (шаҳар) маъмурий суди” сўзлари “Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тергов судьяси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3–5-иловаларнинг матнидаги “жиноят ишлари бўйича суди судьяси” сўзлари “жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг тергов судьяси” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг буюртмаси (талаби) бўйича аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмасига асосан ишсиз ёшларни замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи мутахассис сифатида ва ушбу техникаларни бошқарувчи операторликка (тракторчи-машинист) ўқитиш ва қайта тайёрлаш харажатларини қоплаб бериш”;

тўртинчи – ўттиз бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи – ўттиз олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 12–14-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг аризасига ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган иш даврни тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилиниши лозим.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

а) тегишли орган томонидан берилган ҳарбий хизматни, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилганликни тасдиқлайдиган маълумотнома;

б) болани парвариш қилиш бўйича таътил берилганлиги ва таътилдан қайтганлиги тўғрисидаги буйруқларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда, аёл киши бола туғилгандан бошлаб у уч ёшга тўлгунгача бўлган даврда меҳнат муносабатларида бўлган ташкилот (ташкилотлар) томонидан берилган бола уч ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш вақтини тасдиқлайдиган маълумотнома;

в) ариза берувчи уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахс ҳисобланишини тасдиқлайдиган ҳужжат;

г) фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

д) оқлов ҳукми ёки иш тўхтатилганлиги тўғрисида суднинг ажрими (қарори) ёки прокурор (терговчи)нинг иш тўхтатилганлиги тўғрисидаги қарори, шунингдек, эҳтиёт чораси сифатида шахсни қамоқда сақлаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш шаклида жазони ўташ даври тўғрисида тергов органлари ёки ички ишлар

органларининг маълумотномаси, реабилитация тўғрисидаги ҳужжатлар (суд органлари, прокуратура органлари, суриштирув ва тергов органларининг оқлов ҳукми чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ёки реабилитация қилувчи асослар бўйича жиноят иши тўхтатилганлиги тўғрисидаги қарори (ажрими).

Ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар улар ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган органларда мавжуд бўлганда, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган шахс томонидан тақдим этилмайди.

13. Ногиронлик пенсиясини тайинлашни сўраб мурожаат этган шахснинг аризасига бахтсиз ҳодиса ва соғлиқнинг хизмат вазифаларини бажаришда бошқача тарзда шикастланиши тўғрисидаги далолатнома (агар ногиронлик меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса, бошқа расмий ҳужжат) илова қилиниши лозим:

Бундан ташқари, ушбу Низомнинг 12-банди “а”–“д” кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилади.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар улар ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган органларда мавжуд бўлганда, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган шахс томонидан тақдим этилмайди.

14. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашни сўраб мурожаат этган шахснинг аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

оила аъзосининг вафот этган боқувчи билан қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, улар бўлмаган тақдирда – фуқаролик ҳолати далолатномаларидаги ёзувдан кўчирма, ваколатли ташкилотларнинг ёки хорижий давлатлар мансабдор шахсларининг маълумотномаси);

боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида суднинг қарори.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар тақдим этилади:

бахтсиз ҳодиса ва соғлиқнинг хизмат вазифаларини бажаришда бошқача тарзда шикастланиши тўғрисидаги далолатнома (агар боқувчининг вафоти меҳнатда майиб бўлиши оқибатида содир бўлган бўлса, бошқа расмий ҳужжат);

Ушбу Низомнинг 12-банди “а”–“д” кичик бандларида кўрсатилган, вафот этган боқувчининг номига расмийлаштирилган (ёзилган) ҳужжатлар.

Боқувчи-пенсионер вафот этган тақдирда, ушбу бандда кўрсатилган зарур ҳужжатлар тақдим этилиши лозим, вафот этганнинг пенсия ҳужжатлари йиғмажилдида мавжуд бўлган ҳужжатлар бундан мустасно”;

б) 16-банднинг “в” кичик бандидаги “ёки вафот этган судья билан тузилган эр ёки хотин никоҳи тўғрисидаги гувоҳнома” сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 17¹-банд билан тўлдирилсин:

“17¹. Жамғарма учун шакллантирилган маблағлар олий таълим ташкилотининг харажатлар сметасида бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича алоҳида харажат моддасида бир сатрда, йилнинг чораклари ва ойлари кесимида режалаштирилган ҳолда акс эттирилади”.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 517-сон қарори билан тасдиқланган Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-бандида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда бошқа тоифадаги ходимларнинг иш ҳақиға нисбатан белгиланадиган устамаларнинг энг юқори миқдори 400 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Зарур ҳолларда олий таълим муассасаларига малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида бошқа тоифадаги ходимларнинг иш ҳақиға нисбатан белгиланадиган устамаларнинг энг юқори миқдори олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан мустақил белгиланиши мумкин”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг бешинчи хатбошисидаги “61¹, 193¹ ва 193²-моддаларида” сўзлари “61¹, 193¹, 193² ва 193⁴-моддаларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-банднинг “а” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақида берилган хабар учун:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61¹, 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 193⁴-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун – ундирилган жариманинг эллик фоизи миқдорида”.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-банди бешинчи хатбошисидаги “40” рақами “30” рақами билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорида:

а) 1-банднинг “б” кичик банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган талабалар турар жойларини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш орқали қоплаб борилади. Бунда талабалар турар жойларини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга – бинони сақлаш учун масъул бўлган ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал тўловлар ҳамда бинони қайта жиҳозлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ харажатлар кирази”;

б) 4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда талабалар турар жойларини куриш бўйича лойиҳалар тадбиркорлик субъекти ва давлат олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан аралаш молиялаштириш орқали амалга оширилганда, уларни сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатлар ушбу қарорнинг 1-банди “б” кичик банди бешинчи хатбошисига мувофиқ молиялаштирилади”;

в) 7-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – олтинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 36-илованинг 7-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

7.	Лицензия берилганлиги учун давлат бож миқдори:	базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари
----	--	---

”.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Янги Ўзбекистон” университетининг иқтидорли талабаларига давлат грантини бериш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битирувчиларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 2 июндаги 300-сон қарорида:

а) 2-банднинг “а” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “тўрт ўқув йили учун” сўзлари “бакалавриат ва магистратура босқичлари учун бутун ўқув йиллари давомида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидаги “Янги Ўзбекистон” университетининг (кейинги ўринларда – Университет) бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида иқтидорли талабаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш учун давлат грантини бериш тартибини белгилайди”;

5-банддаги “таълим йўналишлари” сўзлари “таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Давлат гранти Университет томонидан ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги учун белгиланган қабул квотаси доирасида Агентлик билан келишилган ҳолда ажратилади.

10. Давлат грантининг тўлиқ (100 фоиз) миқдори Университетда бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича белгиланган тўлов-контрактнинг тўлиқ (100 фоиз) миқдорига тенг бўлади”;

11-банднинг “б” кичик бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган умумий қабул квоталарининг 5 фоизи миқдорида ажратилган квота бўйича ўқишга қабул қилинган Агентлик тизимидаги ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари”;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агентлик тизимидаги ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари учун белгиланган умумий қабул квоталарининг 5 фоизи миқдорида ажратилган қабул квотаси доирасига кирмаган Агентлик тизимидаги ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари умумий тартибда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича давлат грантига талабгорлик қилишлари мумкин”;

13-банддаги жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича энг юқори ўринни эгаллаган абитуриентлар (талабалар) гуруҳи (баллар кетма-кетлигида)	Давлат гранти квотаси (ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича умумий квотага нисбатан)	Бир нафар абитуриент (талаба) учун молиялаштириладиган давлат гранти (фоиз ҳисобида)
1-гуруҳ	10 фоиз	100
2-гуруҳ	10 фоиз	70
3-гуруҳ	15 фоиз	50

”;

23-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“23. Магистратура босқичида ёки докторантурада ўқишни давом эттираётган Университет бакалаврият ёки магистратура босқичи битирувчиларининг (стипендиатларнинг) мажбурий ишлаб бериш муддати магистратура босқичида ёки докторантурада ўқиш даври тугагандан сўнг бошланади”;

илованинг “1-босқич” позицияси “Тадбирлар” устунидаги “таълим йўналишлари бўйича белгиланган” сўзлари “бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 311-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тўғрисидаги низомнинг 24-банди ўн еттинчи хатбошисидаги “ишларни кўриш ва” сўзлари чиқариб ташлансин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомда:

а) 12-банддаги “таъминлашдан” сўзи “таъминлаш ҳамда тизимдаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ҳамда ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширишдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-банднинг бешинчи хатбошиси “ишлаб чиқиш” сўзларидан кейин “ҳамда тизимдаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ҳамда ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 14-банднинг “г” кичик бандида:

биринчи хатбоши “ишлаб чиқиш” сўзларидан кейин “ҳамда тизимдаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ҳамда ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш” сўзлари билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“вазирликлар ва идоралар тизимидаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ҳамда ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид хужжатларни мониторинг қилиб боради”;

г) 16-бандда:

бешинчи хатбоши “биринчи раҳбарига,” сўзларидан кейин “шунингдек, “Давлат аудити” дастурий орқали Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекциясига” сўзлари билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши “биринчи раҳбарини,” сўзларидан кейин “шунингдек, “Давлат аудити” дастури орқали Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий назорати инспекциясини” сўзлари билан тўлдирилсин;

ўн тўртинчи хатбоши “ҳолатлари юзасидан” сўзларидан кейин “Давлат аудити” дастури орқали” сўзлари билан тўлдирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 537-сон қарори билан тасдиқланган Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентда:

а) 102-бандининг тўртинчи хатбошиси ҳамда 106-банддаги “текшириш” сўзи “баҳолаш” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 114-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби маҳсулотларининг мувофиқлиги қуйидаги схемалар бўйича сертификатланади:

1С схема – маҳсулот миқдори чекланган ҳолда, яъни қисқа муддат ичида серияли ишлаб чиқариш жараёнида алоҳида партиялар ҳолида етказиб бериладиган (сотиладиган) маҳсулот ҳажми олдиндан белгиланганда қўлланилади. Синов натижалари ижобий бўлган тақдирда, маҳсулот ишлаб чиқариш муддати чекланган ҳолда олдиндан белгиланган партия учун мувофиқлик сертификати берилади;

2С схема – аккредитация қилинган синов лабораториясида (марказида) маҳсулотнинг намунавий нусхасини синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш асосида серияли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун қўлланади;

3С схема – серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун қўлланади;

4С схема – ишлаб чиқарувчида менежмент тизимларининг сертификати мавжуд бўлган серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун қўлланади;

5С схема – серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун қуйидаги ҳолларда қўлланилади: маҳсулот намуналарини танлаб олишнинг ҳақиқий ҳажми синовлар ўтказилганда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ҳолисона баҳолаш учун етарли бўлмаса; маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ташқи омилларга таъсирчан бўлса; маҳсулот хусусиятларининг барқарорлигига юқори талаблар белгиланган бўлса ва маҳсулот турлари тез-тез ўзгартирилса; синовлар фақат маҳсулот истеъмолчида монтаж қилингандан кейин ўтказилиши мумкин;

6С схема – маҳсулот партияси учун қўлланилади. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши маҳсулотнинг талабнома берилган партиясига татбиқ этилади;

7С схема – тегишли маҳсулотни (ягона нусхадаги буюмларни) ишлаб чиқариш ёки сотиш бир марталик хусусиятга эга бўлган ҳолларда қўллаш тавсия этилади. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши маҳсулотнинг ариза берилган миқдорига нисбатан татбиқ этилади”;

в) 118-банднинг биринчи хатбошисидаги “текшириш” сўзи “баҳолаш” сўзи билан алмаштирилсин;

г) қўйидаги мазмундаги 119¹-банд билан тўлдирилсин:

“119¹. Фойдаланишга топшириладиган ҳаракатдаги темир йўл таркиби маҳсулотларининг мувофиқлиги қўйидаги схемаларга мувофиқ декларацияланади:

1Д схема – мувофиқлиги мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ ўз далиллари асосида серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун қўлланади;

2Д схема – мувофиқлиги мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ маҳсулотнинг намунавий нусхасини синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш асосида серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун ўз далиллари ва сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) иштирокида олинган далиллар асосида қўлланади;

3Д схема – мувофиқлиги мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун ўз далиллари ва сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) иштирокида олинган далиллар асосида қўлланади;

4Д схема – мувофиқлиги мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ ишлаб чиқарувчида менежмент тизимларининг сертификати мавжуд бўлган серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун ўз далиллари ва сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) иштирокида олинган далиллар асосида қўлланади;

5Д схема – маҳсулотни сотишнинг чекланган, олдиндан келишилган ҳажмида қўлланади, бунда маҳсулот қисқа вақт оралиғида серияли ишлаб чиқарилишига қараб алоҳида тўпламлар билан етказиб берилади”;

д) 123-банддаги “текшириш” сўзи “баҳолаш” сўзи билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 6 апрелдаги 143-сон қарорида:

а) 2-иловада:

4-бандда:

қўйидаги мазмундаги “а¹” кичик банд билан тўлдирилсин:

“а¹) “Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” мутахассислиги бўйича:

“Юриспруденция” бакалавриат таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга шахслар (кейинги ўринларда – ташқи номзодлар);

“Юриспруденция” бакалавриат таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга прокуратура органларининг ходимлари (шу жумладан, амалдаги кадрлар захирасидаги ходимлари), шунингдек, бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга ва бевосита прокуратура органларида камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари (кейинги ўринларда – ички номзодлар);

ваколатли давлат органларининг “Юриспруденция” бакалавриат таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлари”;

“б” кичик банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ваколатли давлат органларининг “Юриспруденция” бакалавриат таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлари”;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Танлов ҳар йили фақат бир марта ўтказилади.

“Тергов фаолияти” мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиш уч босқичда, яъни тест шаклида ўтказиладиган махсус психологик танлов, ёзма имтиҳон ва чет тилидан тест синови орқали амалга оширилади.

“Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” мутахассислиги бўйича танлов ташқи номзодлар учун абитуриентнинг бакалавриат диплом балли ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат балли асосида баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан тест синовлари ўтказилади.

Бунда Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан белгиланадиган нуфузли халқаро IT-сертификатига эга номзодлар “Информатика ва ахборот технологиялари” фани тест синовларидан озод қилинади ва уларга максимал балл берилади.

Бошқа мутахассисликлар бўйича танлов ташқи номзодлар учун абитуриентнинг бакалавриат диплом балли ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат балли асосида баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди.

“Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” ва бошқа мутахассисликлар учун ваколатли давлат органлари ходимлари хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат балли, агар улар бундай сертификатга эга бўлмаган тақдирда, чет тилидан Агентлик томонидан ўтказиладиган тест синовлари натижасида тўплаган балли, шунингдек, Агентлик томонидан ўтказиладиган “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан тест синовлари натижасида тўплаган балли ҳамда бакалавриат диплом балли ўртача кўрсаткичи асосида баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда ўқишга қабул қилинади.

Бунда Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан белгиланадиган нуфузли халқаро IT-сертификатига эга номзодлар, “Информатика ва ахборот технологиялари” фани тест синовларидан озод қилинади ва уларга максимал балл берилади.

Ички номзодлар учун танлов ўтказиш тартиби Бош прокурор томонидан белгиланади”;

12-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Магистратуранинг “Киберхавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш” мутахассислиги бўйича таълимнинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган тингловчиларнинг охириги эгаллаб турган лавозими бўйича белгиланган тартиб ва миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўловлари (пул таъминоти) сақланади”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

17-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик)” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

42-бандда:

биринчи хатбошидаги “250” рақами “260” рақами билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “50” рақами “60” рақами билан алмаштирилсин;

45-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“45. Танлов психологик танлов, мутахассислик фанларидан ёзма имтиҳон, чет тили ҳамда информатика ва ахборот технологиялари фанлари бўйича тест синовидан иборат бўлади”;

48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“48. Психологик танлов учун 50 та, чет тилидан 30 та, информатика ва ахборот технологияларидан 30 та тест саволлари ҳамда вазифалари Агентлик томонидан тузилади ва ўтказилади”;

53-банддаги “имтиҳон (эссе)ни” сўзлари “имтиҳонни” сўзи билан алмаштирилсин;

54-банддаги “(эссе)” сўзи чиқариб ташлансин;

67-банднинг биринчи хатбошиси “номзодларнинг” сўзидан кейин “ҳамда ваколатли давлат органлари номзодларининг” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 3-иловада:

14-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“чет тилини билиш даражасининг миллий ёки тегишли халқаро сертификатига эга бўлганлар, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган халқаро рейтингларда биринчи 300 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотлари битирувчилари бундан мустасно”;

16-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

18-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишлича учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Таянч докторантурада ўқиш учун чет тилини билиш тўғрисидаги қуйидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга талабгорлар мутахассислик бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар:

IELTS – ўртача балли камида 5,5;

TOEFL (PBT) – 567 баллдан кам бўлмаган;

TOEFL (iBT) – 87 баллдан кам бўлмаган;

CEFR – B2 даражадан паст бўлмаган.

Кириш имтиҳонлари саволлари Академиянинг таркибий тармоқлари томонидан тузилади ҳамда Академия бошлиғининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Докторантурага даъвогарлар қабул комиссияси томонидан ўтказиладиган мутахассислик бўйича суҳбатдан ўтадилар”;

38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38. Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Академияга Ягона электрон тизим орқали мурожаат қилади:

қисқача биографик маълумотнома;

фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун бакалавр ва магистрлик ёхуд олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;

фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун юридик фанлар номзоди ёки юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;

иш жойидан тавсифнома”;

47-банднинг учинчи хатбошиси иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

54-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “Шахсий” сўзи “Якка тартибдаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

57-банднинг тўртинчи хатбошиси ва 58-банднинг учинчи хатбошисидаги “шахсий” сўзи “якка тартибдаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

59-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

а) 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Техника эгаси ёки унинг вакили техникаларни давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун Инспекцияга ёки Марказга келиб мурожаат этганда, Инспекция ёки Марказ ходими техника эгаси номидан ушбу Регламентга 5-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

мазкур Регламентнинг 22-бандида кўрсатилган техникага бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан (субсидия, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда молиявий ёрдамлар) фойдаланган ҳолда харид қилинган, шу жумладан, республикада ишлаб чиқарилган ҳамда импорт қилинган янги трактор ва комбайнларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларга “онлайн” (GPS) режимида масофадан кузатиш тизими ўрнатилгани тўғрисидаги маълумотнома (“онлайн” (GPS) режимида масофадан кузатиш тизимини ўрнатган ташкилот томонидан муҳр билан тасдиқланган шаклда берилади)”;

б) 27-банд қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2025 йил 1 мартдан бошлаб амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан (субсидия, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда молиявий ёрдамлар) фойдаланган ҳолда харид қилинган, шу жумладан, республикада ишлаб чиқарилган ҳамда импорт қилинган янги трактор ва комбайнларга “онлайн” (GPS) режимида масофадан кузатиш тизими ўрнатилмаганда”;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишлича ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Никоҳ, оила ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш тўғрисида” 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарорида:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“янги гербли гувоҳномаларни берганлик учун (ўлим ҳақидаги гербли гувоҳномалар ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбия муассасаларига жойлаштиришда берилган туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномалар, Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, маиший тусдаги офатлар (турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги сабабли берилган такрорий гувоҳномалар бундан мустасно) герб йиғими базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ундирилади”;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мустақил равишда мурожаат этилганда белгиланган йиғимлар ва давлат божи суммасининг 90 фоизи миқдорида ундирилади”;

учинчи – олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3-иловада:

26-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Боланинг фамилиясига “-ев”, “-ов”, “-ева”, “-ова”, “-ий”, “-хон”, “-хўжа”, “-хожи”, “-бек”, “-зода”, “мир-”, “абду-” каби ҳамда ота исмига “-евич”, “-ович”, “-евна”, “-овна”, “қизи”, “ўғли”, “-ий”, “-хон”, “-хўжа”, “-хожи”, “-бек”, “-зода”, “мир-“, “абду-“ каби қўшимчаларини киритиш ёки шу каби қўшимчаларни фамилия ва ота исмидан олиб ташлаш орқали туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилиши мумкин”;

37-банд “консуллик муассасаси” сўзларидан кейин “ҳамда ушбу давлатнинг ваколатли органи” сўзлари билан, “тиббий ҳужжат” сўзларидан кейин “(давлат тилига таржимаси билан бирга)” сўзлари билан тўлдирилсин;

39-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи – олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Туғилиши қайд этилган ва 10 ёшга тўлмаган болага оталикни белгилашда вояга етган ота-онанинг оталикни белгилаш ҳақида биргаликдаги аризаси ФХДЁ органига Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали электрон шаклда берилиши мумкин, ушбу Қоидаларнинг 41, 42, 44, 46, 47, 54, 57, 59-бандларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда ота-онанинг шахси шахсни биометрик идентификация қилиш Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқланади ҳамда ота-она томонидан ўз шахсини Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқлаши болага нисбатан оталик белгиланишига розиликни билдиради.

Ариза ЯИДХП орқали берилганда, ФХДЁ органи ариза келиб тушган вақтдан бошлаб уч иш куни ичида аризани кўриб чиқиб, боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига отаси тўғрисидаги маълумотларни киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома чоп этади.

Оталикни белгилаш ҳақида ариза берган ота ёки она хоҳишига кўра туғилганлик ҳақида янги гувоҳномани почта алоқаси орқали олиши мумкин. Бунда почта харажатлари ариза берувчи ҳисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори почта хизмати томонидан белгиланади”;

101-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви Ўзбекистон Республикасининг ФХДЁ органлари томонидан қайд этилган эр-хотинлар томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза ЯИДХП орқали электрон шаклда берилиши мумкин, ушбу Қоидаларнинг 102-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда эр-хотиннинг шахси Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқланади ҳамда эр-хотин томонидан ўз шахсини Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқлаши никоҳдан ажратишга нисбатан розиликни билдиради”;

иккинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги 106¹-банд билан тўлдирилсин:

“106¹. Ушбу Қоидаларнинг 106-бандида назарда тутилган асослар бўйича эр-хотиндан бири ЯИДХП орқали ҳам электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ариза ЯИДХП орқали электрон шаклда берилган тақдирда, ариза берувчи эр (хотин)нинг шахси Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқланади ҳамда ўз шахсини Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқлаши ариза берувчи эр (хотин)нинг никоҳдан ажратишга нисбатан розилигини билдиради.

Натижаси юзасидан ФХДЁ органи бир иш куни ичида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига аризани кўриб чиқиш вақти ва ўзи билан ушбу Қоидаларнинг 106-бандида белгиланган тегишли ҳужжатларни олиб келиши ҳақида хабарнома юборади.

Бунда хабарнома юборилган кундан бошлаб, беш иш куни ичида ариза берган эр (хотин) тегишли ФХДЁ органига мурожаат қилмаса ҳамда тегишли ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этмаса, ушбу ариза кўриб чиқилмайди”;

қуйидаги мазмундаги 111¹-банд билан тўлдирилсин:

“111¹. Ушбу Қоидаларнинг 111-бандида назарда тутилган асослар бўйича эр-хотиндан бири бевосита ЯИДХП орқали ҳам электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ариза ЯИДХП орқали электрон шаклда берилган тақдирда, ариза берувчи эр (хотин)нинг шахси Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқланади.

Натижаси юзасидан ФХДЁ органи бир иш куни ичида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига аризани кўриб чиқиш вақти ва ўзи ёки ишончнома асосида ҳаракат қилувчи вакили томонидан суднинг тегишли ҳал қилув қарорининг асл нусхасини олиб келиши ҳақида хабарнома юборади.

Бунда хабарнома юборилган кундан бошлаб, беш иш куни ичида ариза берган эр (хотин) ёки ишончнома асосида ҳаракат қилувчи вакил бевосита мурожаат қилмаса ҳамда суднинг тегишли ҳал қилув қарорининг асл нусхаси тақдим этилмаса, ушбу ариза кўриб чиқилмайди”;

қуйидаги мазмундаги 127¹-банд билан тўлдирилсин:

“127¹. Туғилганлик, никоҳ тузилганлик, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларини тиклаш юзасидан бу ёзувлар кимга нисбатан тузилган бўлса фақат ана шу шахслар томонидан ЯИДХП орқали ҳам ариза берилиши мумкин, ушбу Қоидаларнинг 127-банди учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ариза берувчининг шахси Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқланади.

Натижаси юзасидан ФХДЁ органи бир иш куни ичида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш вақти ва бевосита мурожаат қилган ҳолда ўзи билан ушбу Қоидаларнинг 129, 133 ва 134-бандларида назарда тутилган ҳужжатларни олиб келиши ҳақида хабарнома юборади.

Бунда хабарнома юборилган кундан бошлаб, беш иш куни ичида ариза берувчи бевосита мурожаат қилмаса ҳамда тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаса, ушбу ариза кўриб чиқилмайди”;

қуйидаги мазмундаги 138¹-банд билан тўлдирилсин:

“138¹. Ўн олти ёшга тўлган шахслар далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш бўйича аризаларни ЯИДХП орқали ҳам бериши мумкин, ушбу Қоидаларнинг 142-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ариза берувчининг шахси Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқланади.

Натижаси юзасидан ФХДЁ органи бир иш куни ичида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш вақти ва бевосита мурожаат қилган ҳолда ўзи билан ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳужжатларни олиб келиши ҳақида хабарнома юборади.

Хабарнома юборилган кундан бошлаб, уч иш куни ичида ариза берувчи бевосита мурожаат қилмаса ҳамда тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаса, ушбу ариза кўриб чиқилмайди”;

139-бандда:

ўн тўртинчи хатбошидаги “10 кун” сўзлари “5 иш куни” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги “бир ойгача” сўзлари “15 иш кунигача” сўзлари билан алмаштирилсин;

149-банд қуйидаги мазмундаги учинчи – олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ўн саккиз ёшга тўлган ва вояга етмаган фарзандлари бўлмаган шахслар фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш бўйича аризаларни ЯИДХП орқали ҳам бериши мумкин.

Ариза берувчининг шахси Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқланади.

Натижаси юзасидан ФХДЁ органи бир иш куни ичида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш вақти ва бевосита мурожаат қилган ҳолда ўзи билан ушбу Қоидаларнинг 151-бандида назарда тутилган ҳужжатларни олиб келиши ҳақида хабарнома юборади.

Хабарнома юборилган кундан бошлаб, беш иш куни ичида ариза берувчи бевосита мурожаат қилмаса ҳамда тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаса, ушбу ариза кўриб чиқилмайди”;

150 ва 151-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“150. Фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризалар:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни 15-моддасига мувофиқ;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида;

агар фамилияси ва исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;

агар шахснинг фамилияси ва исми миллатига тўғри келмаса;

хоҳишига қараб ўзининг никоҳгача бўлган фамилиясига (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;

оила учун умумий фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилия қабул қилишмаган бўлса);

болаларнинг ота ёки она билан бир хил фамилияда бўлиш, онасининг никоҳгача бўлган фамилиясида бўлиш, ўғай отанинг ёки васийсининг фамилиясида бўлиш истаги пайдо бўлганда;

жинси ўзгартирилганда;

16 ёшга тўлган шахсга нисбатан оталикни белгилашда кўриб чиқилади.

151. Фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ариза берувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

агар ариза берувчи никоҳда турган бўлса, у ҳолда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, агар никоҳдан ажратилган бўлса – никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

агар ариза берувчининг вояга етмаган болалари бўлса, у ҳолда болаларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари;

агар ариза берувчи вояга етмаган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳомийнинг аризаси;

жинс ўзгартирилганлиги ҳақида тиббиёт муассасасининг хулосаси (агар жинс ўзгартирганлик асоси бўйича мурожаат этилганда)”;

155-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“155. Ички ишлар органи тақдим қилинган ҳужжатларни 20 кун мобайнида ўрганиб чиқади.

Ички ишлар органи томонидан қуйидаги ҳолатларда ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмининг ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида фикр берилиши мумкин:

агар шахс ўзи тўғрисида била туриб сохта ёки нотўғри маълумотларни тақдим этган бўлса;

агар шахс суриштирув, тергов ёки суд органлари томонидан қидирилаётган бўлса – қидирув бекор қилингунга қадар;

агар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса – иш юзасидан узил-кесил суд қарори ёки бошқа қарор қабул қилингунга қадар.

Ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш хусусида ички ишлар органининг фикри ФХДЁ органига ахборот тизими орқали тақдим этади.

ФХДЁ органи томонидан ариза берувчининг фамилияси, исми, отаси исмининг ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тузилган тақдирда, ушбу ҳолатнинг аниқ сабаблари кўрсатилади”;

180-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“180. Далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси сақланаётган ФХДЁ органи манфаатдор шахсларнинг аризаларига кўра ва тегишли далолатнома ёзувлари асосида такрорий гувоҳномалар беради.

Туғилганлик, никоҳ тузилганлик, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар олиш юзасидан далолатнома ёзувлари кимга нисбатан қайд этилган бўлса, фақат ана шу шахсларнинг ўзи, вояга етмаган болага нисбатан туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳнома олиш юзасидан унинг ота-онасидан бири ЯИДХП орқали ҳам мурожаат қилиши мумкин, далолатнома ёзувлари Ўзбекистондан ташқарида қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ариза берувчининг шахси Face-ID ёки MyID тизимлари орқали тасдиқланади.

Ариза берувчи хоҳишига кўра такрорий гувоҳномани Ўзбекистон ҳудуди доирасида почта алоқаси орқали олиши мумкин.

Бунда почта харажатлари ариза берувчи ҳисобидан қопланади.

Почта алоқаси томонидан кўрсатилган хизмат учун тўлов миқдори почта хизмати томонидан белгиланади.

ФХДЁ органи такрорий гувоҳнома бериш тўғрисидаги ЯИДХП орқали келиб тушган аризани кўриб чиқишда, агар далолатнома ёзуви ариза берилган ФХДЁ бўлимининг ўзида қайд этилган бўлса, бир иш куни ичида, бошқа ФХДЁ органида қайд этилган бўлса, уч иш куни ичида такрорий гувоҳнома расмийлаштириб, ариза берувчининг ўзига ёки у томонидан аризада кўрсатилган манзилга етказиб бериш учун почта хизмати ходимига тақдим этади.

Алоҳида ҳолларда (далолатнома ёзувининг биринчи нусхаси йўқолганда, иккинчи нусха бўйича гувоҳнома олиш қулай бўлганда) ҳудудий адлия органининг ФХДЁ архивлари далолатнома ёзувининг биринчи ва иккинчи нусхаларининг айнан бир хиллигини текширгандан сўнг туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, ўлим ва никоҳдан ажралганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берадилар”;

в) 4-иловада:

2-банднинг “б” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “Регламентнинг 9-бандига” сўзлари “Регламентнинг 8-бандига” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг “2-босқич” позицияси “Тадбирлар” устуни 2-бандидаги “Регламентнинг 9-бандига” сўзлари “Регламентнинг 8-бандига” сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 18¹-банд билан тўлдирилсин:

“18¹. Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида жамоат транспорти бекатларига яқин бўлган лицей, техникум ва олий таълим ташкилотларининг бўш турган майдонлари тадбиркорлик субъектларига ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларида савдо кўникмаларини шакллантириш ва қисқа муддатли касбга ўқитишга (кассир, омборчи, менежер, хорижий тил мутахассиси ва бошқаларни тайёрлаш) ихтисослашган ўқув марказларини ташкил этиш учун электрон онлайн-аукцион савдолари орқали танлов асосида ижарага берилади.

Бунда талабгорларга таълим олаётган жами ўқувчилар сонининг камида 30 фоизини ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар реестрига киритилган оилаларнинг фарзандлари ташкил этиши ҳамда уларни бепул касбга ўқитиш (кассир, омборчи, менежер, хорижий тил мутахассиси ва бошқаларни тайёрлаш) бўйича минимал талаблар қўйилади”.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 январдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10-банднинг “в” кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“дала четидан самарали фойдаланиш”;

б) қуйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:

“34¹. Дала четидан самарали фойдаланиш кўрсаткичини баҳолашда дала чети мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари томонидан экинлар экилганлиги тўғрисидаги маълумотлар “e-Fito.uz” тизимида киритилган ва самарали деб баҳоланган бўлса – 10 балл берилади”;

в) 2-илова қуйидаги мазмундаги 24-позиция билан тўлдирилсин:

“

24.	Тадбиркорлик субъектлари томонидан дала четларига ҳар йили 1 апрелга қадар экинлар экилганлиги ҳамда мавсум давомида маҳсулот етиштирилганлиги	Мавсумий	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 декабрдаги ПҚ–465-сон қарори билан тасдиқланган Республика ва ҳудудий ишчи гуруҳлари, Солиқ қўмитаси
-----	--	----------	---

”.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 августдаги 481-сон қарори билан тасдиқланган Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўрикдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 11-банднинг биринчи хатбошисидаги “кетилишига оид” сўзларидан кейин “ушбу Низомга 3¹-иловага мувофиқ шаклда” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 20-бандда:

биринчи хатбошидаги “оид” сўзидан кейин “ушбу Низомга 3¹-иловага мувофиқ шаклда” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Далолатноманинг бир нусхаси минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни олиб кирувчи юридик шахс вакили ёки жисмоний шахсга (унинг вакили ёки юкни қабул қилиб олувчи, ташувчига) берилади, иккинчи нусхаси ўсимликлар карантини давлат инспекторида қолдирилади”;

в) 38-банд “муддатгача” сўзидан кейин “хабар берувчи томонидан” сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“0000000 – сон

КЎРИК ДАЛОЛАТНОМАСИ

_____ ўсимликлар карантини давлат инспектори _____ томонидан
(хўдудий бўлима номи) (Ф.И.О.)
20__ йил “__” _____ да хабар берувчи вакили _____
(Ф.И.О.)

иштирокида _____
(юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор номи)

СТИР/ЖШШИР: _____ да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан кўриқдан ўтказилди.

Иккиламчи кўриқдан ўтказилган минерал ўғитларни ва/ёки ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситанинг:

Лот рақами № _____

Маҳсулот номи: _____

Маҳсулот юкланган транспорт бирлиги рақами: _____

Рухсатнома рақами: № _____ берилган сана: _____.

Кўриқ давомида қуйидагилар аниқланди (тегишлиси белгиланади!):

- ☐ 1. Божхона расмийлаштирувига рухсат этилади.
- ☐ 2. Божхона расмийлаштирувига рухсат этилмайди (қуйидаги сабаблар кўрсатилган ҳолда):
 - ☐ рўйхатга олинган гувоҳномада кўрсатилган қўллаш доираси минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларининг ўрам-қути ва ёрлиғидаги матнга мос эмас;
 - ☐ маҳсулотга рақамли маркировка коди қўйилмаган (ёки тўлиқ қўйилмаган);*
 - ☐ маҳсулотнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган даврдан яроқлилиқ муддати олти ойдан кам;
 - ☐ лаборатория экспертизаси хулосаси давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳномада белгиланган таркибга номувофиқ деб баҳоланган;

*) 2026 йил 1 майдан амал қилади.

Хужжатларнинг
ҳақиқийлигини
тасдиқловчи QR-код

”;

д) қуйидаги мазмундаги 3¹-илова билан тўлдирилсин:

“Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўриқдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 3¹-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши белгиланган
минерал ўғитлар ва/ёки ўсимликларни ҳимоя қилишда
фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг қонунчилик
ҳужжатлари талабларига номувофиқлиги тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

20 ____ йил “ ____ ” ____

(расмийлаштириш жойи номи)

(далолатнома расмийлаштирган ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси)

(ЎКЧМ номи)

Ушбу далолатнома ўсимликлар карантини давлат инспектори ____ томонидан
(Ф.И.О.)

20 ____ йил “ ____ ” ____ да келиб тушган ____ -сон хабарномага асосан маҳсулот эгаси (ёки унинг вакили)
____ иштирокида ____ божхона ҳужжатида биноан олиб келинган
(Ф.И.О.)

га

(маҳсулот номи)

нисбатан ўтказилган кўриқ натижасида аниқланган қонунчилик ҳужжатлари талабларига номувофиқлиги тўғрисида тузилди. Кўриқ давомида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишида қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича қуйидаги номувофиқликлар аниқланди (тегишлиси белгиланади):

Минерал ўғитлар ва/ёки ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун:

- ☐ рухсатнома мавжуд эмас;
- ☐ рухсатнома амал қилиш муддати ўтган;
- ☐ рўйхатга олинган гувоҳномада кўрсатилган қўллаш доираси минерал ўғитлар ва/ёки ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг ўрам-кути ва ёрлиғидаги матнга мос эмас;
- ☐ олиб кириш тақиқланган минерал ўғитлар ва/ёки ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кимёвий воситалар рўйхатига киритилган маҳсулот;
- ☐ импорт қилиниши режалаштирилган маҳсулотнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган даврдан яроқлилик муддати олти ойдан кам;
- ☐ бир лот (партия) рақамида олиб кирилган минерал ўғитлар ва/ёки ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кимёвий воситалар ҳақида кўрсатилган маълумотлар билан юкнинг яхлитлиги номувофиқ (юкнинг тури, сони, микдори ва бошқа);
- ☐ лаборатория экспертизаси ҳулосасида давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳномада белгиланган таркибга номувофиқ деб баҳоланган;
- ☐ рўйхатга олинган гувоҳномада кўрсатилган қўллаш доираси минерал ўғитлар ва/ёки ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг ўрам-кути ва ёрлиғидаги матнга мос эмас;
- ☐ талабгор томонидан ҳар бир қадогога рақамли маркировкаланмаганда*;
- ☐ транспорт воситаларининг ташқи қисми, муҳрланмаган жойларида минерал ўғитлар ва/ёки ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган кимёвий воситаларни яширин олиб кириш ҳолатлари аниқланган.

*) 2026 йил 1 майдан амал қилади.

Юқоридаги номувофиқликларга биноан ушбу далолатномада кўрсатилган маҳсулот реэкспорт тартибида олиб чиқиб кетилсин.

Эслатма. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 августдаги 481-сон қарори билан тасдиқланган Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришда кўриқдан ўтказиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11, 17, 20, 38, 39-бандларидаги маҳсулотни реэкспорт тартибида олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ қоидаларига риоя қилиниши лозим.

Ўсимликлар карантини давлат
инспектори:

(имзо)

(Ф.И.О.)

Маҳсулот эгаси (ёки унинг вакили):

(имзо)

(Ф.И.О.)

”.

31. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий овқатланиш, меҳмонхона ва туроператорлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва уларнинг қонуний ишлаши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 7 ноябрдаги 745-сон қарорида:

а) номидаги “Умумий овқатланиш, меҳмонхона ва туроператорлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини” сўзлари “Тадбиркорлик субъектларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 1¹-иловага мувофиқ”;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умумий овқатланиш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар томонидан жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нақд пулга харид қилинганда, кириш ҳужжатларини электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

в) 1-иловада:

2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**тадбиркорлик субъекти** – солиқ органлари маълумотлар базасига мувофиқ аниқланган, солиқ даврида туроператорлик ёки меҳмонхона хизматларини кўрсатишдан тушган умумий тушуми жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадининг камида 90 фоизи ҳамда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатишдан тушган умумий тушум жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадининг камида 80 фоизини ташкил қиладиган тадбиркорлик субъектлари”;

4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтаришда, мазкур субъектлар томонидан товарлар (хизматлар) учун тўловлар маркетплейслар орқали қабул қилинганда, ушбу тўловлар нақд пулсиз тўловга тенглаштирилади”;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси ва тўланган солиқнинг бир қисми қуйидаги мезонлар инобатга олинган ҳолда автоматлаштирилган дастур орқали аниқланади:

тадбиркорлик субъектларининг ойлик жами товар айланмаси ҳажмида туроператорлик ва меҳмонхона хизматларининг умумий улуши ушбу фаолият турларига мос келувчи Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогидаги кодлар (кейинги ўринларда – идентификация коди) бўйича электрон ҳисобварақ-фактура, онлайн назорат-касса техникаси ва электрон тижорат платформалари (маркетплейс) орқали шакллантирилган чек маълумотлари асосида аниқланганда, 90 фоиз ва ундан ортиқ бўлиши;

умумий овқатланиш хизматларининг ойлик жами товар айланмаси ҳажмида умумий улуши ушбу фаолият турларига мос келувчи идентификация коди бўйича электрон ҳисобварақ-фактура, онлайн назорат-касса техникаси ва электрон тижорат платформалари (маркетплейс) орқали шакллантирилган чек маълумотлари асосида аниқланганда, 80 фоиз ва ундан ортиқ бўлиши;

солиқ органларида мавжуд маълумотлар асосида умумий овқатланиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларида ойлик товар айланмасининг нақд пулсиз қисми 60 фоизгача ёки 60 фоиз ва ундан юқори бўлиши;

ушбу Вақтинчалик низом талабларига асосан тадбиркорлик субъектининг ҳисобот ойида ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан тўланган солиқ суммаси”;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Тадбиркорлик субъектларига тўланган солиқнинг бир қисми қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилганда автоматик равишда қайтарилади.

ҳисобот даврида тақдим этилган солиқ ҳисоботига мувофиқ ҳисобланган солиқ ушбу ҳисобот даврининг 1-санасидан 20-санасига қадар бюджетга тўлиқ тўланганда, бунда ҳисобот давридан олдинги ойларда ортиқча тўланган солиқ суммаси ҳам инобатга олинади;

ҳисобот даврида туроператорлик ёки меҳмонхона хизматларини кўрсатиш бўйича умумий товар айланмаси жами товар айланмасининг 90 фоизидан кам бўлмаганда;

ҳисобот даврида умумий овқатланиш хизматлари бўйича умумий товар айланмаси жами товар айланмасининг 80 фоизидан кам бўлмаганда;

Бунда туроператорлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг кўрсатилган хизматлар учун чет эл валютасидаги тушумлари барча товарларни ва хизматларни реализация қилишдан олинган тушумнинг камида 80 фоизини ташкил этганда, тўланган солиқнинг бир қисми қайтарилади”;

қуйидаги мазмундаги 16¹-банд билан тўлдирилсин:

“16¹. Электрон ҳисобварақ-фактураларда, назорат-касса техникаси чекларида ёки электрон тижорат платформаларида (маркетплейс) фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлган идентификация кодларининг тўғри акс этирилишига тадбиркорлик субъектлари масъул ва жавобгар ҳисобланади”;

г) қуйидаги мазмундаги 1¹-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 7 ноябрдаги 745-сон қарорига
1¹-илова

**Чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига бюджетга
тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини
қайтариш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низоми чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига улар томонидан ҳисобот даврида тўланган қўшилган қиймат солиғининг (кейинги ўринларда – солиқ) бир қисмини қайтариш тартибини белгилайди.

Вақтинчалик низоми қоидалари аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилиши натижасида ҳосил бўлган ортиқча тўлов суммасига нисбатан татбиқ этилмайди.

Вақтинчалик низоми 2028 йил 1 январга қадар амал қилади.

2. Ушбу Вақтинчалик низоми мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

автоматлаштирилган дастур – чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига тўланган солиқнинг бир қисмини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш асосларини текширадиган, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимига (кейинги ўринларда – ДМБАТ) интеграция қилинган Солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган дастури;

йирик ва майда шохли моллар – юридик шахслар томонидан сақланадиган (парвариш қилинадиган) ва урчитиладиган уй ҳайвонлари – қорамол, қўй ва эчки;

Ғазначилик – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси (кейинги ўринларда – Ғазначилик);

чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари – мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкаларига эга бўлган, солиқ даврида ўзида ишлаб чиқарилган йирик ва майда шохли моллар гўшти, сути ҳамда парранда (товуқ, бедана, ўрдак, ғоз, курка ва туяқуш) гўшти ва тухумини реализация қилишдан тушган умумий тушум жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромадининг камида 90 фоизини ташкил қиладиган чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари бўлган юридик шахслар.

3. Чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларининг фаолият тури Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи асосида аниқланади.

4. Саноатда қайта ишланган гўшт, сут ҳамда парранда гўшти ва тухуми учун тўланган солиқнинг бир қисми қайтариб берилмайди.

2-боб. Тўланган солиқнинг бир қисмини қайтариш тартиби

5. 2025 йил 1 апрелдан бошлаб чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига (кейинги ўринларда – тадбиркорлик субъектлари) ушбу Вақтинчалик низом талабларидан келиб чиқиб тўланган солиқнинг 50 фоизи республика бюджетидан қайтарилади.

6. Тўланган солиқнинг бир қисми ушбу Вақтинчалик низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ қайтарилади.

7. Тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 80-моддасига асосан солиқ ҳисоботида жами товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаларни амалга ошираётган фаолият тури бўйича ажратиб кўрсатади.

8. Тадбиркорлик субъекти солиқ ҳисоботини тақдим этгандан сўнг, лекин уч ойдан кечиктирмасдан тўланган солиқнинг бир қисмини қайтариш учун мурожаат қилишга ҳақли.

Тўланган солиқнинг бир қисмини қайтариш учун мурожаат автоматлаштирилган дастур орқали кўриб чиқилади.

9. Тадбиркорлик субъекти томонидан камайтириш учун тақдим этилган аниқлаштирилган ҳисобот бериш орқали тўланган солиқ суммаси ўзгарган тақдирда, камайган суммага мутаносиб равишда солиқнинг қайтарилган қисми бюджетга тўланиши шарт.

3-боб. Тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси ва тўланган солиқнинг бир қисмини аниқлаш ҳамда уни тадбиркорлик субъектининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб бериш тартиби

10. Тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси ва тўланган солиқнинг бир қисми қуйидаги мезонлар инобатга олинган ҳолда автоматлаштирилган дастур орқали аниқланади:

мулк ёки ижара ҳуқуқлари асосида фойдаланиладиган ер участкаларига эга эканлиги;

солиқ даврида ўзида ишлаб чиқарилган йирик ва майда шохли моллар гўшти, сути ҳамда парранда (товуқ, бедана, ўрдак, ғоз, курка ва туяқуш) гўшти ва тухумини реализация қилишдан умумий тушум Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогидаги кодлар бўйича электрон ҳисобварақ-фактура, онлайн назорат-касса техникаси ва электрон тижорат платформалари (маркетплейс) орқали шакллантирилган чек маълумотлари асосида аниқланганда, жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромаднинг 90 фоизи ва ундан ортиқ бўлиши;

ушбу Вақтинчалик низом талабларига асосан тадбиркорлик субъектининг ҳисобот ойда ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан тўланган солиқ суммаси.

11. Автоматлаштирилган дастур орқали тадбиркорлик субъектининг ушбу Вақтинчалик низомда белгиланган кўрсаткичлари аниқлангандан сўнг солиқ органининг хулосаси шакллантирилади ва тадбиркорлик субъектининг мурожаати асосида бир иш куни ичида автоматлаштирилган дастур орқали солиқ органининг хулосаси Ғазначиликка юборилади.

12. Ғазначилик автоматлаштирилган дастур орқали солиқ органининг хулосаси асосида бир иш куни ичида тадбиркорлик субъектининг банкдаги асосий ҳисобварағига тўланган солиқнинг бир қисмини миллий валютада ўтказиб беради.

Бунда тадбиркорлик субъектининг солиқлар, молиявий санкциялар ва пенялар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлса, тўланган солиқнинг бир қисми биринчи навбатда ушбу қарзларни сўндиришга йўналтирилади.

Ғазначилик тадбиркорлик субъектининг банкдаги асосий ҳисобварағига ўтказиб берилган тўланган солиқнинг бир қисми тўғрисидаги маълумотларни ДМБАТ орқали автоматлаштирилган дастурга юборади.

13. Мазкур Вақтинчалик низомга асосан электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн назорат-касса чекларига ўзгартирилаётган сумма бўйича қайтариб олинган солиқ суммасининг тегишли қисми бюджетга тўлиқ тўлангандан сўнг тузатиш киритилади.

4-боб. Тадбиркорлик субъектларига тўланган солиқнинг бир қисмини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш асослари

14. Тадбиркорлик субъектларига тўланган солиқнинг бир қисми қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилганда автоматик равишда қайтарилади:

мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкаларига эга бўлганда;

ҳисобот даврида тақдим этилган солиқ ҳисоботига мувофиқ ҳисобланган солиқ ушбу ҳисобот даврининг 1-санасидан 20-санасига қадар бюджетга тўлиқ тўланганда, бунда ҳисобот давридан олдинги ойларда ортиқча тўланган солиқ суммаси ҳам инобатга олинади;

ҳисобот даврида ўзида ишлаб чиқарилган йирик ва майда шохли моллар гўшти, сути ҳамда парранда (товуқ, бедана, ўрдак, ғоз, курка ва туяқуш) гўшти ва тухумини реализация қилишдан умумий тушум жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромаднинг камида 90 фоизини ташкил қилганда;

ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида реализация қилинган товарлар (хизматлар) номенклатураси ҳамда фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ёки амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлган идентификация кодлари акс этирилган қисмига нисбатан.

15. Ушбу Вақтинчалик низомнинг 14-бандида назарда тутилган шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектларига тўланган солиқнинг бир қисмини қайтариш автоматик равишда рад этилади.

16. Солиқ органи тўланган солиқнинг бир қисмини қайтаришни рад этиш тўғрисида хулоса берганда, бу ҳақида автоматлаштирилган дастур орқали бир иш куни ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига солиқнинг бир қисмини қайтаришни рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

17. Тадбиркорлик субъекти солиқ суммасини қайтаришни рад этиш тўғрисидаги хулоса юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган солиқнинг бир қисмини асоссиз қайтариб олиш (ёлғон маълумотлар тақдим қилиш, ҳужжатларни сохталаштириш) ҳолатлари аниқланганда, асоссиз қайтариб олинган сумма белгиланган тартибда пеня ҳисоблаган ҳолда бюджетга ундирилади.

19. Электрон ҳисобварақ-фактураларда, назорат-касса техникаси чекларида ёки электрон тижорат платформаларида (маркетплейс) фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлган идентификация кодларининг тўғри акс эттирилишига тадбиркорлик субъектлари масъул ва жавобгар ҳисобланади.

20. Ушбу Вақтинчалик низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига
бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг
бир қисмини қайтариш тартиби тўғрисидаги
вақтинчалик низомга
илова

Чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига бюджетга тўланган
қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Тадбиркорлик субъекти	Тўланган қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) бир қисмини қайтариб олиш учун мобил илова ёки my.soliq.uz орқали мурожаат қилади.	ҚҚС ҳисоботини тақдим этиш муддатидан сўнг, лекин 3 ойдан кечиктирмасдан
2-босқич	Автоматлаштирилган ахборот тизими	Тўланган ҚҚСнинг бир қисмини қайтариш ҳисобот даврида тадбиркорлик субъектининг шахсий ҳисобварағида ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан тўланган ҚҚС суммасини ҳисоб-китоб қилади.	Ҳар ойнинг 25-санасигача
3-босқич	Солиқ органи	Тадбиркорлик субъектининг мурожаати асосида дастур орқали солиқ органининг тўланган ҚҚСнинг бир қисмини қайтариш бўйича ҳулосасини автоматик равишда Ғазначиликка юборади.	Бир иш кунида
4-босқич	Ғазначилик	Республика бюджетида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар доирасида (етарли маблағлар мавжуд бўлганда) автоматик тарзда солиқ суммасини солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ўтказилади. Бунда тадбиркорлик субъектида солиқлар, молиявий санкциялар ва пенялар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлса, тўланган солиқнинг бир қисми биринчи навбатда ушбу қарзларни сўндиришга йўналтирилади.	Бир иш кунида

д) 2-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умумий овқатланиш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар томонидан жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нақд пулга харид қилинганда, кирим ҳужжатларини электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом”;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом умумий овқатланиш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар жисмоний шахслардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нақд пулга харид қилганда, кирим ҳужжатларини электрон шаклда расмийлаштириш тартибини белгилайди”;

2-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**харидор** – ҳисобот даврида умумий овқатланиш хизматларини кўрсатишдан тушган тушуми жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларнинг камида 90 фоизини ташкил этадиган умумий овқатланиш корхоналари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар (кейинги ўринларда – экспорт қилувчи корхоналар)”;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Харидорлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита умумий овқатланиш маҳсулотларини тайёрлаш, экспорт қилувчи корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш мақсадида сотувчилардан нақд пулга харид қилганда, мазкур Низомга иловага мувофиқ электрон шаклдаги далолатномани солиқ тўловчининг шахсий кабинети ёки солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали шакллантиради”;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Далолатномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ҳужжат рақами ва санаси;

умумий овқатланиш корхонаси ҳамда экспорт қилувчи корхонанинг СТИР ва номи;

сотувчининг шахсий идентификация рақами (ихтиёрий равишда);

маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги бўйича маҳсулот номи ва идентификация коди;

маҳсулотнинг ўлчов бирлиги, миқдори, нархи ва қиймати.

Бунда ҳужжат рақами ва санаси, умумий овқатланиш корхонаси ҳамда экспорт қилувчи корхонанинг барча маълумотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қиймати автоматик тарзда шакллантирилади”;

илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умумий овқатланиш корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича қирим ҳужжатларини электрон шаклда расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

Харид қилиш далолатномаси

(ҳужжат рақами)

СТИР:

(расмийлаштирилган сана)


Номи:

Сотувчи ЖШШИР*:

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилинди:

Т/р	Маҳсулот номи ва идентификация коди (Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги бўйича)	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Қиймати
1.					
2.					
3.					
...					
Жами:					

*) Ихтиёрий равишда тўлдирилади.



”

Изоҳ. Ушбу илованинг 20-банди 2025 йил 22 июлдан қучга қиради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “ 12 ” июндаги 362 -сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида” 2012 йил 29 декабрдаги 367-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2778-сон қарори)” 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига 1-илованинг 44-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)” 2017 йил 16 июндаги 385-сон қарорига 1-илованинг 11-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 мартдаги ПФ–5368-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон қарори)” 2018 йил 5 июлдаги 508-сон қарорига 1-илованинг 22-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 24 июндаги 521-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 апрелдаги 258-сон қарорига 4-илованинг 35-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 298-банди.

